| ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ | ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ |
|---|---|
| **ҚАРОРИ** | **ҚАРАРЫ** |
| Нукус шаҳри | Нөкис қаласы |

№ 184 «10» март 2018 й.ж

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги "Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги 180-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги "Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги 180-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги "Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги 180-сон қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 10-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритиш топширилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (Ж.Уснатдинова) "Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги Низоми иловаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 180-сон қарорининг иловасига асос киритилган ўзгартиришларга мувофиқлаштирсин.

4. Вазирликлар, давлат қўмита ва тегишли ташкилотлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари 20 кун муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 6 мартдаги 180-сонли
қарорига илова

## Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 9-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"9. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасалари раҳбар, педагог ва тиббиёт ходимларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорида, тарбиячи ёрдамчиларига эса 50 фоиз миқдорида қўшимча тўлов тўланади."

2. Иловада:

а) I-бўлим қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"I. Давлат мактабгача таълим тизими педагог ходимлари:

| Т/р | Лавозим номи | Базавий тариф ставкаси миқдори (сўм) | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | олий малака тоифали | биринчи малака тоифали | иккинчи малака тоифали | олий маълумотли | ўрта махсус (касб-ҳунар) маълумотли |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари методистлари, инспектор-методистлари | 1 375 370 | 1 296 461 | 1 214 056 | 1 133 700 | Х |
| 2. | Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг методистлари | 1 266 199 | 1 148 291 | 1 075 487 | 1 004 547 | Х |
| 3. | Тил бўйича ўқитувчи, ўқитувчи-логопед, ўқитувчи-дефектолог | 1 169 857 | 1 090 244 | 1 013 420 | 939 660 | 868 863 |
| 4. | Тарбиячи-методист, тарбиячи, психолог | 1 090 244 | 1 013 420 | 939 660 | 868 863 | 802 296 |
| 5. | Мусиқа раҳбари | 959 397 | 882 590 | 808 840 | 738 464 | 671 538 |
| 6. | Тарбиячи ёрдамчиси, шу жумладан умумий ўрта маълумотли | 610 164 | | | | |

б) III-бўлим қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"III. Давлат мактабгача таълим муассасаси мудири:

| Т/р | Лавозим номи | Базавий тариф ставкалари миқдорлари (сўм) | |
|---|---|---|---|
| | | I гуруҳ | II гуруҳ |
| 1. | Мудир | 1 169 857 | 1 090 244 |